

IN MEMORIAN

УСТОЗ КАРИМОВ ШАВКАТ ҚОДИРОВИЧ ХОТИРАСИ



(1940–2019)

Ёднома ёзиш осон эмас. Устозлар ҳақида фикр айтиш масъулиятли. Бирок ўтган устозларни хотирлаш, уларнинг руҳини шод этиш ҳам қарз, ҳам фарздир. Устоз Шавкат Каримов ўзбек олмоншуносларининг ўрта авлодига мансуб олимлардан бири сифатида илм аҳли хотирасида ёрқин шахс сифатида сақланиб қолди. Бу ёрқинлиги ўзи танлаган касбга садоқати, касбий кўникма ва малакаларни мукамал эгаллаб, ҳамкасблар ва шогирдларига ўрнак бўлганлиги, немис адабиёти ва таржимашунослиги бўйича ўқиган маърузаларида бетакрор услубида намоён бўлар эди.

Қўқон шаҳрининг зиёли оиласида туғилиб, ўсиб-улғайган Шавкат Каримов, 1958 йилда Тошкент давлат чет тиллар институтида немис тили факультетига ўқишга киради. 1963 йилнинг май ойида талаба ёшлар делегацияси таркибида Германияда илк сафарда бўлади. Институтни муваффақиятли тугатгач, шу ернинг ўзида ўқитувчи, катта ўқитувчи бўлиб ишлади. Кейинчалик Герман филологияси бўйича аспирант бўлди. 1982 йилда ЎзФА тил ва адабиёт институти илмий кенгашида “Немис-ўзбек адабий алоқалари” мавзуида диссертациясини химоя қилиб, филология фанлари номзоди унвонини олишга муяссар бўлди. Шавкат Каримов адабий алоқалар, таржима назарияси ва адабиёти бўйича монография ва ўқув қўлланма, олмон тилини ўқитиш бўйича чет тиллар ўқитиш концепцияси, олий ўқув юртлири

учун дастурлар, республикада чиқадиган ўзбек ва рус тилларидаги газета ва журналларда чоп этилган бодан зиёд илмий-адабий мақолалар, шунингдек, кўплаб маҳаллий нашрларда эълон қилинган бир қанча мақолалар муаллифидир. Улар орасида, айниқса, “Ўқитувчи” нашриётида чоп этилган “Тилшуносликка кириш” номли талабалар учун мўлжалланган ўқув қўлланма ҳамда “Ғафур Ғулом номидаги адабиёт ва санъат нашриёти” да босмадан чиққан “Диллардан дилларга” мақолалар тўпламини алоҳида таъкидлаб ўтиш жоиз. Бундан ташқари, 3та дарслик муаллифи ҳамда 2та ўзбекча-немисча луғатда махсус муҳаррирлик қилган.

Шавкат Каримов узоқ йиллар немис филологияси факультети декани ва кафедра мудири сифатида фаолият олиб борган. Бундан ташқари, у университет қошидаги докторлик ва номзодлик диссертациялари ёқлаш Илмий кенгаши аъзоси сифатида диссертацияларга оппонентлик қилган ва илмий ишларга тақризчи бўлган.

Устоз Шавкат Каримов 1994 йилдан буён Республика телевидениеси билан самарали ҳамкорлик қилиб келган. У кишининг ойнаи жаҳон орқали ҳар ҳафтада олиб борган немис тилидан ўқув қўрсатувлари барчага манзур бўлган.

Немис ва ўзбек адабий алоқалари миллий адабиётнинг жаҳон адабиётининг энг яхши намуналари ҳисобига бойишини намойиш этадиган ёрқин саҳифаларини ривожлантиришда Шавкат Каримовнинг хизматлари беқиёсдир. Шавкат Каримовни фақат мамлакатимизда эмас, балки Европанинг маданият ва техника, технологиялар юксак тараққий топган Германия, Франция, Австрия давлатларида ҳам яхши танишарди.

Шавкат Каримов нафақат илмий соҳада илғор шахс, балки жамиятда ҳам ўз ўрини топа билган ҳамда барчага ўрнак бўла оладиган инсон сифатида танилган. Шавкат аканинг юриш-туриши, муаллим ва зиёли инсон сифатида шаклланиши ва кўп йиллик педагогик фаолиятида у киши туғилиб ўсган юрт – Қўқон адабий муҳитининг руҳи шундоққина кўзга ташланиб турарди: кенг камровли дунёқараши, ҳўқандий лутфий калон, самимий муносабат, тиниб-тинчимай илм ва ижодий меҳнат қилиш, шавкатона ҳулқ-одоб кўпчилик шогирдлар учун алоҳида бир мактаб эди.

Устознинг ҳаёт йўли барчага намуна бўла оладиган ибрат мактаби бўлиб, унинг ёди шогирдлар ва илм аҳли хотирасида абадий сақланиб қолади.

Соҳиба АБДУЛЛАЕВА.